# М. С. ГОРБАЧЕВнинг «Руде Право» газетаси бош редактори ўртоқ Зденек Горжени саволларига жавоблари

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

бундай эмас. Женевадаги учрашувдан кейин ўтган вақт мобайнида СССРнинг шунча кўп куч-ғайрат сарфлашига қарамай, қуролларни қисқартириш тўғрисидаги шартномага биз бир қарич ҳам яқинлашганимиз йўқ.

Ядро портлатишларини ўзаро тўхтатиш айни шундай шартномага жиддий тарзда кўмаклашган бўлур эди. Синовларнинг тўхтатилиши билан аслида энг хавфли соҳада — ядро қуролининг янги турларини яратиш, уни такомиллаштириш пойгаси тўхтатилади. Қуролланиш пойгасининг миқдоринигина бартараф этишгагина тўғри келадики, бу анчагина осондир.

Шундай қилиб, бизнинг позициямиз ядро портлатишларини тўхтатишни, ядро қуролини қисқартириш билан узвий боғлашдан иборатдир, бу позициямиз ана шу вазифани ҳал этишга жуда жиддий тарзда ёрдам берган бўлур эди. Мен ишнинг сиёсий томони хусусида гапираётганим йўқ. Ишончсизлик, қўрқув ва шубҳа халқаро иқлимни қўпоради, десам ишонаверинг. Яна маънавий, ахлоқий жиҳат ҳам бор. Синовларни давом эттираверишни куч ва маблағларни офат йўлида сарфлайвериш демакдир, яхши, инсонпарварлик ишлари қилиш учун худди ана шу куч ва маблағларга эҳтиёж жуда катта ва бу куч-эҳтиёж ўсиб боради.

САВОЛ: Совет ядро қуроли «анча оддийроқ ва пишиқ-пухталигини синаш учун хожат йўқ», Америка ядро қуроли эса «анча мураккаб ва шу боисдан ҳамиша унинг самарадорлигини синаб туриш керак бўлади» дейишади.

Яна бошқа бир овоза ҳам тарқалган, гўё Совет Иттифоқи 1985 йилда ядро синовларини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори эълон қилинишига қадар ўз ядро аслаҳахоналарини такомиллаштирган, бу соҳада Американи анча орқада қолдириб кетган ва шунинг учун ҳам синовлар ўтказишда танаффус қилиши мумкин, Қўшма Штатлар эса гўё «ҳозир қувлаб етишлари керак». Шу боисдан ҳам улар портлатишларни ўтказаётган эмишлар.

Ҳақ гапни айтиб берсангиз?

ЖАВОБ: Бу овозанинг ўзида ҳақиқатдан асар ҳам йўқ. Бу даъволарнинг ҳаммаси бошдан оёқ ёлғон.

Ҳозир мавжуд бўлган ядро қуролининг пишиқ-пухталигига ишонч ҳосил қилмоқ учун ядро портлатишлари сира керак эмаслигини мутахассислар ниҳоятда ишонарли тарзда исботлаб бермоқдалар. Пишиқ-пухталикни анча арзон ва хавфсиз тарзда бошқа методлар билан, ядро портлатишларисиз шу қадар самара билан назорат қилса бўлади.

Узоқ муддатли тажриба ҳам портлатишлар ўтказмай ва бомбалар ҳамда жанговар каллакларнинг ноядровий компонентларини текшириш билан чегараланиб ядровий ўқ-дориларнинг пишиқ-пухталигига ишонч ҳосил қилиш мумкинлигини кўрсатмоқда. 1974 йилдан бери АҚШ ва СССР мавжуд шартномага мувофиқ тарзда қуввати 150 килотоннадан ортиқ синовлар ўтказаётгани йўқ. Ҳолбуки, АҚШда ана шу қувватдан кўпроқ бўлган қуроллар ядро аслаҳахонасининг 70 процентини ташкил этади, бу кўрсаткич бизда ҳам кам эмас. Демак, биз ҳам, улар ҳам портлатишларсиз ана шу қуролнинг пишиқ-пухталигига ишонамиз! Чалғитишга ҳожат борми?

Агар американиклар ўз ядро аслаҳахоналарининг барқарорлигига шубҳа қилсалар, синовларни тўхтатиш тўғрисида шартнома тузилишига рози бўлсинлар, ана ўшанда бизнинг мутахассисларимиз ўз «сирлар»ини улар билан баҳам кўриб, ядро зарядлари аҳволи синовларсиз қандай текширилишини айтиб берадилар.

Йўқ. Қўшма Штатлар ўтказаётган ядро қуроли синовларидан кўзда тутилган бош мақсад қурол-яроғларнинг принцип жиҳатидан янги типларини яратишдан иборат. Бунинг маъноси нима? Бунинг маъноси шуки, қуввати оширилган ва яна ҳам аниқ нишонга оладиган янги портловчи ядро каллаклари ишлаб чиқилмоқда. Синовлар чоғида космосда жойлаштириладиган ядро қуроли — яъни ядровий қўшимчаси бўлган рентген лазерлари яратилмоқда. Ҳам ердаги, ҳам космосдаги нишонларни яксон этишга қодир бўлган қуролнинг мутлақо янги турини тайёрлаш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай шароитларда ядровий қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш учун синовларни тақиқлаш ҳеч нарса бермайди, деб айтиш иккиюзламачиликдир.

Иккинчи даъвога келганда шуни айтиш кераки, биз ядро синовларини тўхтатиб қўйганимиздан кейин дастлабки икки ой ўтгунига қадар бу даъвода жон бор деб ўйлаш мумкин эди. Совет ядро полигонларида бир йилдан кўпроқ вақтдан бери осойишталик бўлиб турганида эса бундай деб ўйлашга асос йўқ. Янги ядро қуролини ишлаб чиқиш ва эскисини такомиллаштириш янгидан-янги ядро синовларини талаб этиши муқаррардир, мантиқан СССРга нисбатан анча кўп портлатишлар ўтказган АҚШ ва бунинг устига биз ядро синовини тўхтатиб қўйганимиздан бери ўтган бир йил ичида яна 18 та ядро синовини ўтказган АҚШ анча ўзиб кетган бўлиши лозим эди. Демак, американиклар эмас, балки биз қувиб етишимиз керак бўлади. Хуллас, масаланинг бу тарзда қўйилишининг ўзи бемаъниликдир.

Бизга бошқа фикр ҳам маълум: синовларга тааллуқли масалада бирон-бир муддат Совет ва Америка позицияларининг муросага келиши билан қаноатланса бўлмайдими. Батамом тақиқлаш бўлмаса ҳам, бирон-бир «чеклашнинг» иложи йўқмикин?

Бошқа томонга аҳдлашувни тавсия этиб, муросани батамом рад қилиб қўйиш мумкин эмас, албатта. Аммо тўхтатишнинг ўрнига «чеклаш» ғоясини мен принцип эътибори билан нотўғри деб биламан.

Аввало шуни айтиш кераки, бизда чеклаш бор: булар 1963 йилги шартнома ва 1974 ҳамда 1976 йиллардаги «чегаралаб» турадиган битимлардир. Лекин бу шартнома ва битимлар қуролланиш пойгасини тўхтатиб қўя олмайди. Қуролланиш пойгаси кучайиб кетди. Лекин бунга шартномалар мавжудлигининг дахли йўқ албатта.

Ер ости ядро синовларини «чеклаш» таклиф этилаётганлиги муносабати билан ҳам ана шундай бўлиши мумкин. Бу «чеклаш» аввало шунга олиб келиши мумкинки, пойга бошқа йўналишда бўлаверади. Кейинчалик эса бу йўналиш яна ҳам хавфли эканлиги аниқланади.

Ядро синовлари проблемаси юзасидан қандайдир чалакам-чатти қарор бўлиши мумкин эмас. Масала ҳалоллик билан фақат шу таҳлитда ўртага қўйилиши мумкин: ё ядро зарядларини синамаслик ҳақида битимга келамиз ва бу синовларни батамом тўхтатамиз, ёки яна ҳам хавфлироқ ҳарбий тайёргарликлар бошланиб кетади. Учинчи йўл йўқ.

Агар американиклар жаҳонни космик қуролланиш пойгасига тортсалар, бу пойга «мудофаа» ёки бошқа терминлар билан аталишига қарамай, бундай пойга бутун ҳарбий-стратегик вазиятнинг ниҳоятда хавфли тарзда беқарорлашувига олиб келган бўлур эди. Инсоният боши устидаги хатар ажалнинг сифат жиҳатдан янги ўлчамларини касб этган бўлур эди. Ҳеч кимнинг бундан кўз юмишга ҳаққи йўқ.

САВОЛ: Совет Иттифоқининг бошқа ҳамма ташаббуслари қатори Сиз ўртага қўйган туб проблема — ядровий қуролсизланиш жараёни хусусида ҳам президент Рейган атрофидагилар ва НАТОдаги бошқа баъзи ҳукуматларнинг вакиллари контрол текширув ҳақидаги турли-туман сафсаталар билан диққат-эътиборни чалғитишга уринмоқдалар.

Сиз бу ёндашувни қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБ: Худди Сиз айтганингиздек, диққат-эътиборни чалғитишга уриниш деб баҳолайман. Ядро синовларини тақиқлаб қўйишни назорат қилиб бўлмайди, деган бадном бўлган даъвонинг умрини узайтиришни истамоқдалар. Бу даъво аввало, шунинг учун ҳам бадном бўлдики, илм-фан муваффақиятларга эришди. Бугун миллий воситалар билан ҳар қандай, ҳатто энг кичик ядро портлатишини ҳам илғаб олиш мумкин. Совет Иттифоқи проблеманинг ҳал этилишига ёрдам бериш учун контролнинг бошқа методларига ҳам розилик берди. «Деҳли олтилиги» ўз хизматини тақдим этганида биз рози бўлдик. АҚШ эса бунга жавоб бермади. Олимлар СССР ва АҚШнинг ядро полигонлари яқинида сейсмографлар ва бошқа ускуна ўрнатиш тўғрисида келишиб олганларида Америка ҳукумати ана шу ташаббусни менсимаслигига қарамай, биз бу ташаббусни қўллаб-қувватладик.

Мен яқинда СССР, АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, Японияning ана шу соҳада ишлаётган бир гуруҳ таниқли олимларини қабул қилиб, улар билан батафсил суҳбатлашдим. Ядро синовларини тақиқлашни жуда ҳам ишончли тарзда контрол қилиш имконияти борлиги хусусида бу олимларда заррача ҳам шак-шубҳа йўқлигига яна бир карра ишондим.

Ҳозирча эса аҳвол қуйидагича: Қўшма Штатлар қуролсизланишга киришишга тайёр эканликларини сира изҳор этганлари йўқ ва қуролсизланиш устидан контрол хусусида эмас, балки қурол-яроғлар устидан контрол ҳақида гапирмоқдалар.

Мен ҳам, менинг ҳарбий соҳада ишлайдиган ўртоқларим ҳам неча-неча бор айтган эдик: биз американиклар нима қилишаётгани, ядро полигонлари ва бошқа полигонларда нималар содир бўлаётганини биламиз. Баъзи нарсаларни яширишга, жумладан, айрим портлатишларни (бундан бир ҳафта муқаддам ўтказилган портлатиш ҳам шу қаторга киради) яширишга американикларнинг уринаётганликлари сўзга ишониш мумкин эмаслигига бизни яна бир карра иқрор этади. Ҳақиқатан ҳам Америка генералларига ишониш учун бизда ҳеч қандай асос йўқ. Улар ҳам бизга ишонадилар, деб ўйламаймиз. Шу боисдан ҳам биз қатъий, илмий асосланган контрол тарафдоримиз ва жойларда инспекция ўтказишни ҳам мўлжаллаб, ана шундай контролни қатъий талаб қилиб чиқаверамиз. Аммо такрор айтаманки, портлатишлар ўтказилиши устидан эмас, балки портлатишларни тўхтатиш устидан контрол ўрнатиш тарафдоримиз. Семипалатинск областидаги Совет ядро полигони яқинида Америка асбоблари ўрнатиб қўйилди. Олимларнинг келишувини расмий аҳдномага айлантириб, ядро синовларини тўхтатиб туриш тўғрисида тузилиши мумкин бўлган шартнома бузилмаслиги устидан иккала томоннинг кузатувини уюштириш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблаймиз. Ядро синовларини тўхтатишни контролнинг давлатларга бўйсунмайдиган халқаро тармоғини тузиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш мумкин. Имкониятдан фойдаланиб АҚШ президентига ана шу таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бу проблемани ҳал этса бўлади. Вашингтонда бу проблемани ечиб бўлмас чигал тугун деб кўрсатишга уринаётганликларини осонгина тушунтириб берса бўлади: АҚШ қуролланиш пойгасидан воз кечишга тайёр эмас ва шу боисдан ҳам уйдирма тўқиб чиқармоқда.

Ядро портлатишлари АҚШга, такрор айтаманки, тийиб туриш учун эмас, (ҳеч кимни тийиб туришга зарурат йўқ: ҳеч ким АҚШга ҳужум қилмоқчи эмас), балки ядро уруши олиб боришга мўлжалланган қуролни яратиш учун керак.

САВОЛ: Ўртоқ Горбачев, ижозат берсангиз, сўнгги нозик бир саволни берсам. АҚШ президенти атрофидагиларнинг кўпдан-кўп баёнотлари ва Ғарб матбуотидаги мақолаларга қараб мулоҳаза юритадиган бўлсак, жаҳон жамоатчилигининг бутун диққат-эътиборини ҳозир Сизнинг жаноб Рейган билан янги учрашувингизга батамом қаратиб, қуролланиш пойгасини жиловлашнинг барча актуал проблемаларини аслида ана шу гаплар билан алмаштирмоқчилар.

Бу хусусда Сиз нима дея оласиз?

ЖАВОБ: Биз олий даражадаги Совет—Америка учрашувининг, халқаро хавфсизликнинг жуда бўлмаганда битта-иккита туб проблемаларини ҳал этишда анча олға силжиш билан нишонланадиган ана шундай учрашувнинг ўтказилиши тарафдоримиз.

Женевадан кейин биз қуролланиш пойгасини бартараф этишга тааллуқли бўлган проблемаларнинг бир қанчаси бўйича позицияларимизни яқинлаштириш учун анча тадбирлар кўрдик. «Бўлса-бўлсин, бўлмаса ғовлаб кетсин» қабилида иш тутиш бизга ётдир. Бекордан-бекорга учрашиб ўтиришга ҳожат йўқ. Балки кимдир бунга рози бўлур эди. Лекин биз бунга қатъиян рози бўла олмаймиз.

Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларнинг жавобгарлик мезони ниҳоятда катта бўлса ҳам, биз тилга олган масалалар барча мамлакатларга, бутун жаҳон ҳамжамиятига тааллуқлидир. Шу боисдан ҳам ҳар қандай иғвогарликларга қарамай, биз Америка маъмурияти билан алоқалар ипини узаётганимиз йўқ. Бу алоқаларга шубҳа қилаётганимиз йўқ, эшикни қаттиқ ёпиб қўяётганимиз йўқ. (Ғарбдаги айрим кишилар, айниқса, АҚШ президенти атрофидаги кишилар шундай бўлишини жуда истамоқдалар). Аммо алоқаларнинг фақат ўзи эмас, балки уларнинг натижалари қадрлидир.

Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ Давлат секретари Ж. Шульц билан яқин орада бўладиган учрашуви бизнинг ҳозирги маррамизни аниқлашга, Совет—Америка мулоқотида олға силжишнинг иложи бор-йўқлигини ойдинлаштиришга ёрдам беради, деб кутмоқдамиз.

Агар мораторий мақбул бўлмаса, Европадаги ўртача олислик ракеталари масаласи тилга олинмаса, стратегик қурол-яроғларни такомиллаштириш ва ҳакозолар зарур бўлса, у ҳолда нима тўғрисида аҳдлашиш мумкин? Қуролланиш пойгаси зўр бериб давом эттирилаётган, кескинлик кучайтирилаётган, мавжуд шартномалар бузилаётган шароитда олий даражадаги учрашув фойда бермаса керак. Одамларни алдаш, гўё хотиржамлик деб жамоатчиликни тинчлантириш учун шу учрашувдан фойдаланиш ва айни пайтда хавфли сиёсатни давом эттириш жуда осон бўлур эди. Ҳа, ишни гўё учрашувга тайёргарлик яхши кетаётгандек қилиб кўрсатиб, ҳозирнинг ўзидаёқ шундай қилишга уринмоқдалар.

Учрашув учун гўё деярли ҳамма нарса тайёр, деб ясама оптимизмни авж олдириб, эҳтимолки, ўзларининг ноамалий сиёсатлари натижалари учун ҳамма айбни олдиндан Совет Иттифоқига тўнкашга умид қилаётган бўлсалар керак. Гўё СССР Рейган маъмурияти билан бирор иш чиқариб бўлмайди, деган хулосага келди деган бошқа тахмин ҳам ана шундай мақсадни кўзда тутса керак.

Бироқ биз икки ярим йилгача «миқ этмай турамиз» деган қарорга кела олмаймиз, чунки биз вақт омилига жуда катта аҳамият берамиз. Йўқ. Кутиб туриш, пайсалга солиш кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди. Биз самарали мулоқот учун, қурол-яроғларни чеклаш ва камайтириш сари ҳаракат қилиш учун, шунингдек регионал можароларни бартараф этиш, барча муҳим йўналишлари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун бундан буён ҳам ҳар қандай имкониятдан фойдаланаверамиз. Шу маънода совет халқи олдида, умуман бошқа халқлар олдида ҳам виждонимиз пок. Чехословакиялик дўстларимиз, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бизни яхши тушунмоқдалар, изчиллик билан қатъий қўллаб-қувватламоқдалар.

Иттифоқчиларимизнинг фикрини жуда қадрлашимизни, бу фикрларни батафсил ҳисобга олишимизни, маслаҳатлашув, социализмнинг ташқи сиёсатини биргаликда ишлаб чиқиш механизми ва методларини янада яхшилашга қатъий аҳдупаймонимизни алоҳида таъкидлашни истайман. Биз иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг сиёсий ташаббусларини, янгича сиёсий тафаккур юритиш учун курашда уларнинг активлигини, тинчлик, хавфсизлик, қуролсизланиш проблемаларини ҳал этиш борасидаги умумий куч-ғайратларда фаол ва тенг ҳуқуқли иштирокларини юксак қадрлаймиз.

Олий даражадаги учрашув истиқболлари билан боғлиқ бўлган ишнинг яна бир жиҳати ҳақида гапирмаслик мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Менинг АҚШ президенти билан махфий ёзишмаларим тўғрисида кўп тахминлар қилинмоқда. Мен унинг мазмунини очиб беришни истамайман, лекин тахминлар тўғрисида гапирса арзийди. Уларда атайин қилинаётган оптимизм сезилиб турибди. Уларда рекламага хос нималардир бор.

Июль ойининг охирида АҚШ президентидан гўё бизнинг ташаббусимизга жавоб сифатида навбатдаги мактуб олинди. Биламан, Ғарбда бу мактубни Вашингтон позициясида қандайдир бир янгилик деб таърифламоқдалар, бу мактуб атрофида маъмурият учун фойдали бўлган «хабарнинг тарқалиб кетиши»ни ташкил этмоқдалар, ўзларини шундай қилиб кўрсатмоқдаларки, гўё ҳамма нарса Москвага боғлиқ эмиш. Биз президентга ўз жавобимизни айтамиз, албатта.

Мен президент мактубини узунасига ҳам, кўндалангига ҳам, иборали қилиб айтганда — микроскоп остига қўйиб ҳам, телескоп орқали ҳам ўргандим. Бундан конкретроқ гапирмайман. Чунки мактубларимиз мазмуни сир сақланиши ҳақида келишиб олганмиз. Лекин одамларнинг ана шу махфий ёзишмаларда нималар борлигини билиш истаклари менга тушунарлидир. Чунки бу уларнинг ҳаммасига, Ер юзидаги барча кишиларга тааллуқлидир. Агар улар ҳам икки мактуб тексти билан таниша олганларида, қуролсизланиш йўлидаги асосий тугунларни ечиб ташлаш учун улардан ҳар бирининг аҳамиятини қиёслай олганларида эди, у ҳолда совет раҳбарлари урушнинг олдини олиш проблемасига нақадар жиддий ва масъулият билан ёндашаётганликларини, биз ўз таклифларимизни нақадар конкрет, ишчанлик билан, бошқа томоннинг манфаатларини ҳисобга олиб, тузганлигимизни кўрган бўлур эдилар.

Улар биз умидсизлик позициясидан узоқда эканлигимизни, инсониятнинг ақл-идроки кучига ва ўзини омон сақлаб қолиш туйғусига ишончимизни ҳам кўрган бўлур эдилар.

Биз ўз ҳаракатларимиз ва ташаббусларимиз билан вазиятни ўзгартириш мумкинлигига, муҳолифлик ўрнини босадиган бошқа йўлнинг мавжудлигига халқларнинг ишончини мустаҳкамлашга интилмоқдамиз. Менимча, ядро қуролларига қарши улкан жараённинг иккинчи фазасига, фақат умидлар фазаси эмас, балки реалистик режалар ва улардан келиб чиқадиган конкрет ҳаракатлар фазасига қадам қўйдик. Мен коммунист сифатида танг аҳволдан чиқиш йўлини кўрсатиб берадиган янгича тафаккур юрита бошлаган омманинг кучига ишонаман.

Майли, келишувчилик қарорлари бўлса-да, биргаликдаги масъулиятли қарорларни қабул қилиш учун вақт бор, энг муҳими ихтиёримизда ҳали ана шундай вақт бор. Лекин вақт жуда тез ўтиб бормоқда. Менимча, ядро қуроллари асри жаҳон тарихидаги энг тез ўтадиган асрдир. Шу сабабли ҳозир конкрет ишлар керак. Мен ўз жавобимни ана шундай конкрет ишларга даъват билан тугатмоқчиман.

КПСС номидан, барча совет кишилари номидан қардош чехословак халқига энг яхши истаклар билдираман.

---

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ишлар мудирлигининг инструктори — орден сақланадиган хона мудираси Маргарита Анатольевна **Лашкова**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

---

## ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ КЕНГАШИ

НАМАНГАН, 8 сентябрь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область партия-хўжалик активи кенгашида меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш вазифалари муҳокама қилинди.

Бу хусусда область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов доклад қилди.

---

## САНЪАТГА БАХШИДА ҲАЁТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Тамарахоним туғилган куннинг 80 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 65 йиллигига бағишланган юбилей кечаси бўлиб ўтди. Актрисани ижодкор зиёлилар, касбдошлари, шогирдлари самимий табрикладилар. Улар ўзбек миллий санъатининг шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир ўтказган Тамарахонимнинг кўп қиррали фаолияти ҳақида гапирдилар. У саҳнадаги кўп йиллик фаолияти давомида барча қитъалардаги халқларнинг 500 дан ортиқ рақс ва қўшиқларини саҳналаштирди, ҳозир уларни шогирдлари ижро этмоқдалар.

Кечада Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова нутқ сўзлади.

* * *

Тамарахоним юбилейи шарафига Тошкентда актрисанинг кийимлари кўргазмаси очилди. Бу ерда унинг кўп қиррали ижодидан далолат берувчи 2000 га яқин нодир экспонат бор.

(ЎзТАГ).

---

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | |
|---|---|---|
| Бухоро | 0,73 | 2,24 |
| Сурхондарё | 0,32 | 0,89 |
| Қашқадарё | 0,22 | 0,55 |
| ҚҚАССР | 0,23 | 0,33 |
| Фарғона | 0,16 | 0,28 |
| Республика бўйича: | 0,14 | 0,37 |
| **Шу жумладан ингичка толали пахта:** | | |
| Сурхондарё | 0,51 | 1,45 |
| Бухоро | 0,01 | 0,05 |
| Қашқадарё | 0,02 | 0,03 |
| Республика бўйича | 0,32 | 0,89 |

---

ҲОСИЛ-86

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЙЎҚЛАМАСИ: ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

# МАШИНА ТЕРИМИ — ИШИМИЗ УНУМИ

### НАВОИЙ
### «ПЎЛАТ ОТЛАР» ЯНА ТУШОВДА ҚОЛМАСИН

Бу йил Навоий областида пахта кечки бўлди. Деҳқонлар ғўза парваришини сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳам давом эттиришни режалаштиришяпти. Дефолиация эса учинчи ўн кунликда амалга оширилади. «Зангори кема»лар учун иш майдони октябрь ойи бошларида очилади. Табиийки, бу — механизаторлардан йиғим-терим ишларини қисқа вақт ичида уюшқоқлик билан ўтказишни, техникани ишлатишда зўр маҳорат кўрсатишни талаб қилади.

Хўш, аҳвол шундай экан, областда терим техникаларини мавсумга ҳозирлаш ишлари қандай бормоқда?

Очиқ айтиш керак, бу соҳадаги ишлар қониқарли эмас. Фикримизни биринчи сентябргача бўлган маълумотлар тасдиқлаши мумкин. Областда 1276 пахта териш машинасининг 1197 таси ёки 94 проценти созланди. Кўрак териш ва чувиш механизмлари ремонти 81-87, прицеп ва пахта юклагичлар тайёргарлиги 79-89 процент бажарилди. Аслида бу ишлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида 1986 йилги пахта ҳосилини машинада теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасидаги энг зарур тадбирлари ҳақида»ги қарорига кўра бугунга қадар тўла тугалланиши лозим эди. Афсуски, бу муҳим қарор областда бажарилмай қолди.

Яна бир ташвишланарли томони шундаки, область хўжаликларида кейинги пайтларда терим техникасини созлаш ишларига қарийб эътибор берилмай қўйди. Август ойининг иккинчи ярмида бу борадаги суръат 1 процент ўсди, холос. Қизилтепа ва Навбаҳор районларида умуман ҳеч бир иш бажарилмади. Аксарият хўжаликларда терим агрегатларини тракторларга осиш, уларни синаб кўриш жараёнлари адо этилмади.

Шу ўринда ўтган йилги фактларни эслаш жоиз бўлади. Областда машина терими плани барбод берилди. План (теримчилар терган подборни кўрак чувиш машинасидан ўтгани билан қўшиб ҳисоблаганда ҳам) аранг 31 процентга етди. Ҳар бир терим машинаси ҳисобига атиги 3-4 тоннадан пахта тўғри келди. Қўл теримига зўр бериш — хўжаликларда ҳосил таннархининг ошиб кетишига олиб келди. Ундан келган зарар 6 миллион сўмни ташкил этди. Область хўжаликларида машина теримига эътиборсизлик бу йил ҳам ўтган йил хатоларининг такрорланаётганлигини кўрсатиб турибди.

Хулоса аниқ: областда йиғим-терим ишларини қўғозда эмас, амалда машина-механизмлар зиммасига юклаш лозим. «Пўлат от»лар бу йил ҳам тушовда қолмасин.

**А. ҚОРЖОВОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР
### СУСТКАШЛИК ҚИЛИНСА...

Автоном республикада қишлоқ хўжалик техникасини мавсумга созлашда муайян ишлар қилинди. Қатор районлар колхоз-совхозларида пахта терими ва шоли ўримида қатнашадиган машина-механизмлар барвақт шайлаб қўйилди. Пахта терими бўйича 290 та, шоли ўрими учун 154 та ўрим-йиғим транспорт отрядлари тузилди.

Аммо очиғини айтиш керак, автоном республикада пахта териш агрегатлари ремонти бугунгача 91 процент бажарилган бир пайтда Хўжайли, Чимбой, Қораўзак районларида бу соҳада сусткашлик қилиняпти. Уларда шу йил 1 сентябргача ремонт ишлари 80-88 процент бажарилди, холос. Қатор хўжаликларда кўсак узиш агрегатлари ремонти талаб даражасида бўлмаётир. Энг ачинарлиси, область бўйича шу кунгача 282 кўсак узиш агрегатлари ремонтига қўл ҳам урилгани йўқ.

Амударё районида 59 та, Қўнғирот районида 33 та, Элликқалъа районида 44 та кўсак чувиш агрегатлари ремонтталаб бўлиб ётибди.

Ғаллачилик комбайнларини ўрим-йиғимга созлашда ҳам айрим хўжалик раҳбарлари бепарволик қилмоқдалар, ҳар хил баҳоналар билан ремонт муддатини кечиктириб юбормоқдалар. Чимбой районида бугунгача 470 та комбайндан 333 таси, Қораўзак районида 515 комбайндан 375 таси, Нукус районида 315 та комбайндан 239 таси ремонтдан чиқарилган, холос. Шоличиликка ихтисослашган Тахтакўпир районида мавжуд жатка ва комбайнларни ремонт қилишга эътибор берилмаяпти. Оқибатда, район техника ремонти бўйича ҳозир автоном республикада энг қолоқлар қаторида қолди. Бу ерда ремонт ишлари топшириғи ҳозиргача 61 процент бажарилди. 669 та комбайндан атиги 407 таси ремонтдан чиқарилди. Автоном республика бўйича эса бу рақам эндигина 70 процент адо этилди.

— Республикада мавжуд техника воситаларини ишлатадиган механизатор кадрлар тайёрлаш вазифаси қандай ҳал этилган? — сўрадик автоном республика Давлат агросаноат комитетининг масъул ходими А. Давлатёровдан.

— Бу йил биз қисқа муддатли курсларда 906 механизатор кадр тайёрлашимиз керак эди, — деди у. — Бироқ бугунгача салкам 700 кишига механизаторлик гувоҳномаси топширдик. Ленинобод районида 100 механизатор ўрнига 50 киши тайёрланди, Нукус районидаги «Россия», «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозларида планда белгиланган кадрнинг учдан бир қисми ҳам таъминланмади.

Техника ремонтидаги бундай сусткашлик, қолаверса эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ва механизатор кадрларнинг қўнимсизлиги туфайли бу йил областда 311 та «зангори кема» теримда, 500 дан кўпроқ жатка ва комбайн шоли ўримида қатнашмасдан қолиш хавфи бор.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### БУХОРО
### САБОҚЛАР ЕТАРЛИ ЭДИ

Терим техникаси ҳар йили мавсумга шай қилинсада, қўл теримига зўр бериш — Бухоро области хўжаликларига кўп йиллик одат бўлиб қолган эди. Чунончи, ўтган йили областда белгиланган 260 минг тонна ўрнига, атиги 47,7 минг тонна пахта машинада терилди, холос.

Жорий йилда бундай ҳолга қатъий чек қўйиш чоралари кўрилмоқда. Хўжалик раҳбарларига машина теримининг тақдири учун талабчанлик кескин оширилди. 3 сентябргача мавжуд 2742 машинанинг 2600 таси тўла ремонтдан чиқарилди. 1337 тракторга терим агрегатлари тиркалиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

Ўтган йили машина теримида байроқдор бўлган хўжаликлар бу йил ҳам мавсумга пухта ҳозирлик билан келдилар. Область партия комитетининг бюроси яқинда Олот райони пахтакорлари ҳосилнинг 60 процентини машинада териш юзасидан бошлаган ташаббусни маъқуллади. Қоракўл, Вобкент районларидаги техника жонкуярлари ҳам машина теримига амалий тайёргарлик кўрмоқдалар.

Айниқса, Олот районидаги «Шарқ юлдузи», Крупская номли, Қоракўл районидаги «Бухоро», К. Маркс номли колхозларнинг дала гвардиячилари ҳамма нарсани теримга шай қилиб қўйишди.

Афсуски, областдаги барча районларда ҳам ўтган йилги сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб олингани йўқ. Бухоро районида теримга чиқадиган 176 машинанинг 26 таси ҳанузгача шай ҳолга келтирилмаган.

Ромитан районида ҳам етиштирилган барча ҳосилни белгиланган 286 ўрнига 162 та машина билан йиғиштириб олиш кўзланмоқда. Бундан келиб чиқадики, бу районларнинг раҳбарлари ҳали мавсум бошланмасданоқ машина теримида қолоқликни «планлаштирмоқдалар».

Айниқса, Когон районидаги «Бухоро» совхози, Калинин номли колхоз, Вобкент районидаги «Пахтакор», Пешку районидаги Навоий номли ва Шариф Эргашев номли, Свердлов районидаги Гагарин номли, Шофиркон районидаги Куйбишев номли колхозлар, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозларида машина теримига тайёргарлик борасида хўжасизлик ҳоллари ҳукм суряпти.

Область агросаноат комитетининг раҳбарлари бундай бўшашувчанлик ва масъулиятсизлик учун улардан қатъий жавоб талаб қилишлари керак. Областда съездлар йили ҳосилининг 230 минг тоннасини машиналарда йиғиштириб олиш аҳди албатта ўринлаши керак.

**Н. НАИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ЕР ЮЗИДА ҲАЁТНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Совет телевидениеси орқали 1986 йил 18 августда берган Баёноти—республикамизда 1986 йил 12 сентябрда ўтадиган Ягона сиёсий куннинг мавзуи

1. КИШИЛАР қадим замонлардан бери ҳаётнинг умрбоқийлигига, инсон ҳаётининг битмас-туганмаслигига қаттиқ ишонар эдилар. Бироқ Хиросима ва Нагасаки устида 1945 йил августида Америка атом бомбаларининг портлагани бу ишончни ларзага келтирди. Америка Қўшма Штатлари қуролланиш пойгасини бошлаб юборгани ва ҳозирда уни ниҳоятда авж олдиргани, бу пойгани космосга олиб чиқиш учун ҳаракат қилинаётгани ердаги ҳаётнинг ўзини таҳлика остида қолдирди.

Ҳозир одамзоднинг жуда кўпчилик қисмида ядро ҳалокати олдини олишдан, инсониятга умрбоқийликка бўлган ишончни қайтаришдан кўра муҳимроқ ва ташвишлироқ фикр йўқ. Давр тезлик билан қатъий ва масъулиятли ҳаракат қилишни, ақл-заковат ва соғлом идрокни бекаму кўст сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Совет телевидениеси орқали шу йил 18 августда берган Баёноти ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати ҳамма нарсани ҳар томонлама ва батафсил ҳисобга олиб, тинчлик тақдири учун масъулиятга амал қилиб, ядро портлатишларининг бир томонлама мораторийсини 1987 йил 1 январгача узайтириш ҳақида қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг совет халқи номидан берган Баёноти Ер юзидаги барча ҳукуматларга ва халқларга қаратилгандир. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида ушбу Баёнот бутун инсониятга етиб борди. Улар Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар, маъқулламоқдалар ва юксак баҳоламоқдалар.

М. С. Горбачев америкаликларнинг ақл-заковатига ва шаънига мурожаат этиб қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида тарихий имкониятни яна бир марта қўлдан бой бермасликка, совет мораторийсига қўшилишга даъват этди. У шахсан АҚШ президенти Рональд Рейганга вужудга келган вазиятни яна бир бор холисона баҳолашни, қалашиб қолган ҳамма кераксиз нарсани улоқтириб ташлаб, мамлакатимиз ва Совет ташқи сиёсатига нисбатан янглишишни бартараф этишга мурожаат қилди. «Совет Иттифоқининг ишончи комилки, ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга тезда эришиш ва уни **шу йилнинг ўзида олий даражадаги Совет — Америка учрашувида** имзолаш мумкин, — деб таъкидлади М. С. Горбачев. — Ҳеч шак-шубҳасиз, бу воқеа **учрашувнинг асосий реал якуни,** қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида муҳим қадам бўлур эди. Бу воқеа ядро қуроллари ва уларни тугатиш юзасидан музокараларда бундан кейинги тараққиёт сари, дунёдаги бутун вазиятни тубдан соғломлаштириш сари ҳаракатнинг ўзига хос дебочаси бўлур эди».

2. ҲОЗИРГИ қарорни қабул қилиш ниҳоятда қийин бўлди. Чунки гап мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти ҳақида бораётган эди. АҚШ ўз ҳисобида 800 дан ортиқ ядро синовларига эга бўла туриб, уни тўхтатмаётир. Совет мораторийси сақланиб турган бир йил давомида Невадада 19 марта ўтказилган ер ости портлатишларининг акс садоси бизнинг полигонларимиздаги сукунатга зид бўлди. Бу эса ядро қуроллари ва бошқа хил қуролларнинг тоғ-тоғ бўлиб уюлиб кетганлигига қарамай, қуролланиш пойгаси сусаймаётганлигидан, аксинча унинг суръати тезлашаётганлигидан, бу пойгани космосга олиб чиқиш хавфи пайдо бўлаётганлигидан далолат беради.

АҚШдаги ҳарбий саноат комплексининг вакили бўлмиш ўнг милитаристлар гуруҳи қуролланиш пойгасига телбаларча берилиб кетди. Улар бу ўринда уч хил манфаатни кўзда тутмоқдалар: бу — қурол-яроғ ишлаб чиқаришдан келаётган бойлик қисмини мунтазам кўпайтиришдан, АҚШнинг ҳарбий устунлигини таъминлашдан, Совет Иттифоқини иқтисодий жиҳатдан мадорсизлантиришга, сиёсий жиҳатдан заифлаштириш учун уни қуролланиш пойгасига тортишга уринишдан иборат. Пировард натижада Вашингтон дунёдаги ҳукмрон мавқеини таъминлаб олишни, қадимий жаҳонгирлик иштаҳаларини қондиришни, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан талончилик сиёсатини бундан буён ҳам ўтказаверишни кўзламоқда.

Жаҳон миқёсида хавфсизликнинг икки концепцияси тўқнашди. Бир томонда — Совет, Варшава Шартномаси мамлакатларининг тинчлик, ядро синовларини тўхтатиш, ядро қуролларини бутунлай йўқ қилиб ташлаш концепцияси. Ядровий портлатишларни тақиқлаш тўғрисидаги совет мораторийси бунинг ёрқин ифодаси бўла олади. СССР уни тўртинчи марта узайтирар экан, Ер юзида даҳшатли ҳалокатга йўл қўймаслик, инсониятни атом ёнғинидан ҳалок бўлишдан сақлаб қолиш йўлида ҳамма ишни қилиш, юксак бурчи бўлган социалистик давлат сифатида, ядро қуролига эга бўлган мамлакат сифатида зиммасидаги юксак масъулиятни амалга оширишга тайёр эканлигини исботлайди.

АМАЛИЙ ишлардан кўра ишончлироқ ва равшанроқ нарса борми? Бутун дунёдаги ядро қуролини 2000 йилгача тугатиш тўғрисида Совет Иттифоқининг 1986 йил 15 январдаги таклифлари тинчликсеварлик ҳаракатлари учун жуда кенг имкониятлар очиб беради. Ана шу программага мувофиқ СССР Совет — Америка музокаралари столига бир қанча амалий таклифларни қўйди. У Варшава Шартномасидаги иттифоқчилари билан бирга Атлантикадан тортиб Уралгача Европадаги қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришга доир тадбирлар комплексини киритди. Мамлакатимиз бу йил ёки келгуси йилда химиявий қуролни тақиқлаш ва унинг запасларини тугатиш, шунингдек, бу қуролни ишлаб чиқарадиган саноат базасини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги конвенцияни имзолашни таклиф этмоқда. Владивостокда Осиё — Тинч океани регионида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга даъват этувчи чақириқ янгради. Бу даъват бутун дунёда катта таассурот қолдирди. СССР ядро энергетикасини хавф-хатарсиз ривожлантиришнинг халқаро режимини вужудга келтириш хусусида барча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ташаббусини кўрсатди. «Самовий урушлар» программасининг ўрнини оладиган ҳужжат сифатида «Самовий тинчлик»ни вужудга келтириш — жаҳон космик ташкилотини тузиш программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этди.

КПСС XXVII съездида халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси таърифлаб берилди. Бу система совет ташқи сиёсатидаги янги ёндашувларнинг энг умумлашма ифодасидир. Яқинда бир гуруҳ социалистик мамлакатлар шундай системани вужудга келтириш масаласини БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритдилар.

Совет янги тинчлик таклифлари қурол-яроғсиз ва урушсиз дунё учун самимий интилишнинг натижасигина эмас. Бу таклифлар «даҳшатли мувозанат» шароитида яшашдан чарчаган ҳозирги дунё учун жуда ҳам зарур бўлган қуролсизланиш масалалари мужассамлашган юксак давлат донолигининг, янгича фикрлашнинг, дунёдаги туб ўзгаришларни англашнинг намоёни ҳамдир.

Иккинчи томонда — Американинг энг аввало ҳарбий-техника воситалари, «ўта қуролланиш», техник сакраш ҳисобига хавфсизликни таъминлаш концепцияси. Бу концепция бошқа барча мамлакатларни мутлақ хавф-хатарга қўйган ҳолда, Қўшма Штатларга мутлақ хавфсизликка эришиш имконини берган бўлур эди.

Вашингтон жамоатчиликнинг, ўз иттифоқчилари ва ўз халқининг талабларига қарама-қарши ўлароқ ер остида ядро портлатишларини тўхтатишни жон-жаҳди билан рад этяпти, тинчликсеварлик ташаббусларига қаршилик кўрсатяпти, СҚЧ-2 тўғрисидаги шартномаларни «жонсиз» шартнома деб эълон қилмоқда, ракеталарга қарши мудофаа тўғрисидаги шартномани тўхтатишга ҳаракат қилаётир.

КПСС XXVII съезди ҳозирги қуролнинг хусусияти бирорта давлатга ҳам фақат ҳарбий-техника воситалари, жумладан мудофаани, ҳатто энг кучли мудофаани яратиш йўли билан ўзини ҳимоя қила олишига умид қолдирмаслигини қайд этди. Хавфсизликни таъминлаш сиёсий вазифадир. Бу вазифани фақат сиёсий воситалар билангина ҳал этиш мумкин. Агар СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап борадиган бўлса бу ўзаро бўлиши, агар ялпи халқаро муносабатлар ҳақида гап борадиган бўлса — умумий бўлиши керак. Фақат ўзи тўғрисидагина эмас, балки тенг, ялпи хавфсизлик тўғрисида ғамхўрлик қилиш инсонпарварликнинг олий чўққисидир. Шунинг учун ҳам СССР ўз таклифларини бошқа ҳукуматларнинг, жамоат ва сиёсий ҳаракатларнинг, энг аввало, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари нуқтаи назари ва ташаббусларини ўрганган ва ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқмоқда. Бунга Сиёсий маслаҳат комитетининг Будапештдаги кенгаши мисол бўла олади. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленумида қайд этганидек, бу кенгашда «барча конкрет масалалар иттифоқчи социалистик давлатларнинг умумий ташқи сиёсий стратегияси призмаси орқали» кўриб чиқилди. Ўзаро ишончсизлик музини эритиб юборишга, қарама-қарши туришнинг боши берк кўчасидан чиқиб олишга, амалий натижаларга фақат диалог ва алоқалар, мунозара ва музокаралар орқалигина эришиш мумкин.

3. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мораторий тўғрисидаги, энди эса уни навбатдаги узайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилар эканлар, ядро-космик асрнинг реаллиги қуролланиш пойгасини тўхтатишга имкон берадиган қадам ташлашни талаб этаётганини назарда тутдилар. Ушбу қарор социализмнинг тинчлик ишига содиқ жамият эканлигига, унинг цивилизация тақдири учун масъулиятни чуқур англаб етганлигига ҳам асослангандир. СССР раҳбарлари бу қарорни қабул қилар эканлар, дунё афкор оммасининг фикрини ҳам ҳисобга олдилар. Мораторий юз миллионлаб кишиларда зўр таассурот қолдирганлигига ва тушуниб етилганлигига, фақат кенг жамоатчилик фикригагина эмас, шу билан бирга сиёсий партиялар, ҳукуматлар, кўплаб давлатлар сиёсатига тобора ўсиб бораётган чуқур таъсир ўтказганлигига даврнинг ўзи гувоҳлик беради. Ҳатто АҚШнинг кўпроқ содиқ европалик иттифоқчилари Вашингтондан СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан қарама-қарши туришнинг хавфли йўлидан ўзаро мақбул қарорларни излаб топишга ўтишни талаб қилмоқдалар.

Қўшма Штатларнинг ўзида совет мораторийси тобора кўпроқ тушуниб етилмоқда. Ҳозир сўраб чиқилган америкаликларнинг ярмидан кўпроғи, юздан ортиқ Америка шаҳарларининг муниципалитетлари, 150 конгрессмен ушбу мораторийни ёқлаб чиқди. Яқинда АҚШ сенати ядро синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида СССР билан музокараларни янгидан бошлашни, вакиллар палатаси эса 1987 йил 1 январдан бир мегатондан кўп қувватга эга бўлган ядро портлатишларини вақтинча тўхтатиш ҳақида мораторий киритишни Америка маъмуриятидан талаб қилиб, резолюция қабул қилдилар.

Дунёдаги бошқа кўпгина кучлар ҳам ядро синовларини тақиқлаш юзасидан бошланган ҳаракатга актив қўшилдилар. Составида олти мамлакат бўлган — Ҳиндистон, Аргентина, Мексика, Швеция, Греция ва Танзаниядан иборат эътиборли группа вужудга келди. Бу группа ердаги тўртта қитъада яшаётган миллиардлаб кишиларнинг номидан ядро синовларини тақиқлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун изчил иш олиб бормоқда, М. С. Горбачевнинг «Деҳли олтилиги» раҳбарларининг СССР ва АҚШга ўз зиммаларига ядро синовларини тўхтатиш юзасидан ўзаро мажбурият олишни сўраб қилган мурожаатига тез, асосли, ижобий жавоб йўллагани бутун дунёда, айниқса, қўшилмаган мамлакатларда юксак баҳоланди.

Куни кеча Зимбабвенинг пойтахти Хараре шаҳрида қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VIII конференцияси ўз ишини тугаллади. Конференция қатнашчилари Совет мораторийсини қўллаб-қувватладилар. Бутун дунёда тобора кенгайиб бораётган урушга қарши ҳаракатда «Ядро синовларини тўхтатинг!», деган шиор асосий мавзу бўлиб қолди. СССР мораторийси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳам маъқулланди, энг таниқли олимлар — физиклар ва врачлар томонидан қўллаб-қувватланди.

ШУНДАЙ қилиб, СССРнинг тинчлик ташаббуси дунёда зўр маъқулланиш ва қўллаб-қувватланиш билан кутиб олинди. Советлар мамлакати мораторийни яна узайтирар экан, Халқаро тинчлик йилини амалий ишлар билан муносиб нишонлаб, умумхавфсизликни мустаҳкамлашга яна бир салворли ҳисса қўшди. Энди навбат — Америка Қўшма Штатларига.

Аммо Вашингтон янги Совет тинчлик ташаббусини қабул қилмаяпти. У совет таклифларида кўзда тутилган мақсадни атайлаб бузиб кўрсатишга, ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган ёлғон хабарлар тарқатишга ҳаракат қилмоқда. АҚШ матбуоти худди буйруқ берилганидек бизнинг тинчлик ташаббусимизга жаҳонда вужудга келаётган ижобий фикрлар ҳақида сукут сақламоқдалар. АҚШ ядровий портлатишларга қарши қаратилган совет мораторийсига қўшилишни хоҳламаётганлигини бир қатор сабаблар билан оқлашга ҳаракат қилмоқда.

Қўшма Штатларда қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган ҳар қандай совет таклифига дарҳол пропаганда мақсадидаги таклиф деб эълон қилиш қоида бўлиб қолди. Бу гал ҳам М. С. Горбачев мораторийни узайтириш тўғрисида Баёнот билан чиққанида Оқ уйдан дарҳол яна ўша ёқтириб қолинган «пропаганда!» деган сўз эшитилди.

Бу «баҳона»нинг асоссизлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, Совет Иттифоқи Қўшма Штатларга дарҳол ана шундай «пропаганда қадамлари» ташлаш, яъни ўзининг ядро синовларини тўхтатиш билан жавоб беришни таклиф қилди. Жавоб ўрнига қатор ер ости портлатишлари садоси эшитилди. Бир томонлама мораторийимизнинг тўртинчи марта узайтирилиши совет томонининг мақсади жиддий эканлигидан далолат беради. Мораторийнинг фақат таклифгина (ва умуман пропаганда акти) бўлиб қолмай, унинг изчил амалга оширилаётгани совет ядровий қуролсизланиш программасининг нақадар жиддийлигини ва самимийлигини, шунингдек, ядро-космик асрида ягона мақбул сиёсат — реализм, тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказишга бўлган чақириқнинг ниҳоятда жиддийлигини ва самимийлигини ишончли тарзда исботлайди.

СССР АҚШга нисбатан анча кўп синовларни ўтказди, деган «далил» ҳам ҳақиқатга қарама-қаршидир. Америка Қўшма Штатлари 1986 йил 1 январгача 789 та ядро қурилмаларини портлатганлиги, Совет Иттифоқи эса 565 та ёки АҚШга нисбатан 224 та кам портлатиш ўтказганлиги ҳисоблаб чиқилди. Бир томондан Совет мораторийси, иккинчи томондан Американинг ядро портлатишлари давом этаётгани ўртадаги бу тафовутни Америка фойдасига кўпайтирмоқда.

Контрол қилишдаги қийинчиликлар ҳам баҳона қилинмоқда. СССР контролни миллий техникавий воситалар билан, шунингдек жойларда текшириш ўтказиш ҳолларини ҳам ҳисобга олган ҳолда халқаро процедуралар ёрдамида тўла амалга ошириш мумкин эканлигини қатъиятлик билан билдирди. Мамлакатимиз ўзининг тайёрлигини Америка сейсмик ускуналарини совет ядровий синовлари ўтказиб келинган Семипалатинск районида ўрнатишга розилик бериш билан ҳам намойиш этди. Контрол масалаларига доир бу аниқ позиция М. С. Горбачев томонидан КПСС XXVII съезди минбаридан туриб ҳам қатъиятлик билан тасдиқланди.

Шу тариқа Вашингтон маневр учун имкониятлардан жудо бўлгач охири ядровий синовларни тўхтатишни рад этаётганлигига контрол проблемаси сабаб бўлмаётганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Хўш, сабаб нимада? Нима учун АҚШ маъмурияти ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, ядровий синовларни тезлаштирмоқда?

Оқ уйдан шундай расмий сўзлар эшитилаётир: мораторийга қўшилиш «Қўшма Штатлар, унинг дўстлари ва иттифоқчилари хавфсизлиги манфаатларига мос бўлиб тушмайди», ядро синовларини давом эттириш эса «Америка ҳарбий потенциали мустаҳкамлигини текшириш мақсадларига мувофиқдир».

СССР мудофаа министрининг ўринбосари, армия генерали В. М. Шабанов «Правда» газетасида ана шу «далил»ни шарҳлар экан, мавжуд ҳарбий запасларни текшириб кўриш ядро синовлари учун асосий мақсад эмас, — деб тушунтирди. Ҳарбий мутахассислар шуни яхши биладиларки, унинг катта қисми ядро қуролларининг янги хилларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга хизмат қилади. Буни эса АҚШнинг ҳозирги ҳарбий программасига биноан биринчи зарба берадиган МХ қитъалараро баллистик ракета, кичик ҳажмли янги «Миджитмен» ракетаси, «Трайдент-2» сув ости кемаларидаги қитъалараро ракета, стратегик қанотли ракеталарнинг янги авлодлари ва бошқалар мисоллар билан яққол кўрсатмоқда. Албатта, ядровий портлатишлар, Қўшма Штатларига Стратегик мудофаа ташаббуси программаси бўйича зарбдор космик қуролларни ишлаб чиқиш учун зарурдир.

Ана шу сўзлардан нима учун Қўшма Штатлар ҳукумати ва ҳарбийлар доираси ядровий портлатишларни тўхтатиш, қуролланиш пойгасидан воз кечиш тўғрисида эшитгилари келмаётганлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Ана шуларга қарамай, ядровий портлатишларни тўхтатиш ҳақидаги Совет мораторийси яна бир марта узайтирилди. Бундай қарорни қабул қилиш керакмиди? Бундай қарор ижобий жараёнларга ҳарбий муҳолифлик хавфларини камайтиришга ёрдам бера оладими?

Бизнинг мамлакатимизда ядро синовларини бошлаб юбориш учун етарли миқдорда асослар бор эди. Бундай фикр совет кишиларининг хатлари ва сўзларида асосли тарзда жаранглаб эшитилади.

Ростов областилик ғаллакор В. Моисеев америкалик фермерларга ёзган хатида ушбу саволга донолик билан жавоб берди: «Мен Михаил Сергеевич Горбачевнинг Баёнотини эшитар эканман, очиғини айтсам, балки ён беришлар етар энди? деган хаёлга бордим. Сўнг, йўқ, бу ён бериш эмас, деган қарорга келдим. Сизларнинг Оқ уйлик сиёсатдонларингизга, тушунишимча, тинчлик йўлига чиқиш учун яна бир имконият яратиб бериляпти... Бизга уруш керак эмас. Биз ғаллани одамлар учун етиштиряпмиз»... («Правда» 26 август).

Совет Иттифоқи томонидан мораторийнинг 1987 йил 1 январигача узайтирилгани ядровий портлатишларни давом эттиришни талаб қилаётганларнинг эс-ҳушини йиғиштириб олиш имконини беради. «Биз Американинг баҳоларида ва ҳаракатларида, — деб таъкидлади М. С. Горбачев Баёнотда, — реализм, халқаро вазиятни соғломлаштириш, беҳуда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролларини тугатиш йўлларини биргаликда излаш зарурлигини англаб етиш устун келади, деб умид қилишни истар эдик».

4. СОВЕТ кишилари шу билан бирга антисоветизм, умуман, социализмга нисбатан душманлик руҳи чуқур сингиб кетган жангари ва маккор Америка империализми билан иш олиб бораётганликларини яхши биладилар. Шунинг учун мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун муқаддас ишдир ва биз бу иш учун кучимизни аямаймиз. Совет давлатининг бутун тарихи унинг ҳар қандай чиранишларга дарҳол жавоб топа олиш имкониятларига эга эканлигидан гувоҳлик беради. Ҳозир ҳам СССР АҚШ маъмуриятининг хатти-ҳаракатини, унинг ҳарбий техника потенциалини ривожлантириш соҳасида олиб бораётган ишларини диққат билан кузатиб бормоқда. «Агар зарур бўлиб қолса, биз тезда жавоб топамиз, — деди М. С. Горбачев Баёнотда, — бунинг устига бизнинг жавобимиз АҚШда кутишаётганидан бошқача бўлади. Аммо бу «самовий урушлар» программасини беҳуда қилиб қўядиган жавоб бўлади». Шубҳа қилмаслик керакки, СССР ўзининг қудратли экономикаси ва илм-фанига суяниб Қўшма Штатларнинг амалдаги ҳарбий стратегик мувозанатни ўз фойдасига бузиш учун қиладиган уринишларига етарли зарба бера олади. КПСС XXVII съездида қабул қилинган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш стратегиясини амалга ошириш бизнинг мудофаа қобилиятимизни янада мустаҳкамлашнинг ишончли пойдевори бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий муваффақиятлар қанчалик кўп бўлса совет мудофаа потенциали шунчалик мустаҳкам ва кучли бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН меҳнаткашлари, барча совет халқи каби ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу йилнинг саккиз ойида саноат соҳасида қилинган ишлар якуни республикада иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари асосан сақланиб турганлигини кўрсатди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми шу вақт ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,3 процент ўсди. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш саккиз ойлик плани 102,6 процент бажарилди. Пландан ташқари 343 миллион сўмликка яқин маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 5,1 процент ўсди. Ана шу омил ҳисобига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 71 процент ўсишига эришилди.

Шу билан бирга ўсишнинг жуда кўп резервларидан фойдаланилмаяпти. Бир группа корхоналар маҳсулот реализация қилиш планини бажара олмади, бошқа группа корхоналар реализациянинг ўсиш суръатларини пасайтириб юборди, учинчи группа эса ҳатто ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга йўл қўйди.

Йилнинг қолган тўрт ойдан камроқ даврида аҳволни тўла тўғрилаб олиш лозим бўлади. Партия, касаба союз комитетлари, хўжалик раҳбарлари, министрликлар ва идоралар қолоқликни тугатиш учун зарур чораларни кўришлари, планларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак. Комсомол ташкилотлари ишчи ёшларни тарбиялашни кучайтиришга даъват этилгандирлар. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот ва бажарилаётган иш сифатини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ташкилотчиликни ўстириш, ҳамма ерда ва ҳамма нарсада тартибни ўрнатиш, социалистик мусобақани такомиллаштиришга алоҳида эътиборни қаратмоқ лозим.

Капитал қурилишдаги аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Йил охиригача республика қурилиш комплекси меҳнаткашлари олдида ўтган саккиз ойдагига нисбатан 1,6 баравар кўп асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларидаги қолоқликка барҳам бериш вазифаси турибди. Қурувчилар, айниқса, уй-жой, болалар боғчалари, касалхоналар, поликлиникаларни фойдаланиш учун топширишга шошилишлари лозим. Бу ерда ҳам иш суръатини ошириш керак. Вақт эса кутиб турмайди.

Нима қилмоқ керак? Энг аввало меҳнатда қатъий аниқлик ва ташкилотчилик бўлишига, ҳар бир кишининг — раҳбардан оддий ишчигача топширилган иш учун юксак масъулиятини таъминлашга, қурилиш коллективларининг ишларини икки ва уч сменада ташкил этишга, мавжуд барча қурилиш машиналари, механизмлари ва автотранспортдан тўла унум билан фойдаланишга эришмоқ зарур. Социал, маданий-маиший объектлар қурилишига меҳнаткашларни ва аҳолини жалб қилиш юзасидан толяттиликлар методини дадиллик билан жорий қилиш лозим.

Пудратчи, субпудратчи ва буюртмачилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни аниқ ташкил этиш керак. Ҳозир, ишга тушириладиган барча объектларда кенг иш фронти таъминланган пайтда буюртмачилар монтаж учун ускуналарни тўла ҳажмда, комплект ҳолда ва қатъий график асосида етказиб беришлари, ўзлари ҳам бу ускуналарни ўрнатиш ва синаб кўришда шахсан қатнашишлари талаб қилинади.

Энг муҳими партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, қурилиш бошқармаларининг раҳбарлари ишчи ва хизматчиларга юқори унумли меҳнат қилишлари ва яхши турмуш кечиришлари учун барча зарур шароитларни яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ҳамма ерда, айниқса, иккинчи ва учинчи сменада ишлаётганлар учун умумий овқатланиш, савдо ва транспорт хизматини йўлга қўйиш зарур.

Темир йўл транспортида ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Республика темирйўлчилари юк ташиш жараёнларини, хўжалик механизмини бошқаришни такомиллаштириш, фан, техника ютуқларини ва белоруссиялик ҳамкасблари тажрибасини жорий этиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириб, қисқа вақт ичида анчагина муваффақиятларга эришдилар. Улар халқ хўжалиги юкларини етказиб беришни соатига 3,2 километр тезлаштирдилар, юк ташиш таннархини 5,1 процент арзонлаштирдилар, планга қўшимча тарзда 2,4 миллион тонна юкни ташиб бердилар.

Республика граждан авиацияси ходимлари ҳам самолёт паркидан фойдаланишни яхшилаб, планларни бажардилар. Автомобилчилар ва алоқачилар ҳам белгиланган планларни бажаришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ автомобиль транспортида қайта қуриш жараёни ниҳоятда суст ва тартибсиз ўтмоқда. Улар турли халқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш саккиз ойлик планини 31 миллион тонна кам бажардилар. Соҳада автомобиль транспорти техникасидан фойдаланишни яхшилаш, автомашиналарнинг юксиз-қатновини жуда оз миқдорга тушириш, автомобиллар ва прицепларни йўлга чиқариш нормативларини бажаришга эришиш, уларнинг иш муддатларини узайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш зарур.

Пассажирларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан ишни қайта қуришни тезлаштирмоқ даркор. Барча турдаги транспортнинг, айниқса шаҳар транспортининг қатнов жадвалига қатъий риоя қилинишига эришиш лозим. Транспорт ташкилотлари коллективлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш керак.

РЕСПУБЛИКАДА ғалла ўрим-йиғими, озуқа жамғариш ниҳоясига етмоқда. Терим навбати пахта далаларига келди. Колхоз ва совхозлар пахта йиғим-теримига киришдилар. Етиштирилган ҳосилнинг охирги чигитигача йиғиб-териб олиш ва давлат хирмонларига жўнатиш лозим. Бунинг учун эса колхоз ва совхозлардаги мавжуд ишчи кучлари ва техникадан юқори унум билан рационал фойдаланиш, ҳар бир соат, ҳар бир куннинг қадрига етиш зарур. Пахта йиғим-теримининг муваффақияти энг аввало механизаторларга боғлиқдир. Улар бу йил 3 миллион 200 минг тонна ёки жами ҳосилнинг 56 процентини машиналарда териб оладилар. Ана шу мақсадда мавжуд 38 мингта «зангори кема»ларнинг ҳаммаси узлуксиз ишлашини таъминлаш талаб қилинади. Пахта териш машиналарининг ҳосилни биринчи марта теришини 10—14 кунда бажаришига эришиш учун терим-транспорт отрядлари ҳамма имкониятлардан унумли фойдаланмоқлари керак. Ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб дефолиацияни ўтказиш энг зарур вазифадир.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, савдо, маиший хизмат, медицина ва маданият муассасаларининг ходимлари пахта йиғим-теримида машғул бўлган кишиларга уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шароитларни яратиб беришлари керак. Дала шийпонлари, овқатланиш, болалар боғчалари ва яслилари, озиқ-овқат, саноат моллари билан савдо қилиш, медицина ва маданий хизмат — буларнинг ҳаммаси уларнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозим.

Пахта йиғим-терими даврида тушунтириш ва тарбиявий ишларни — суҳбатлар ўтказиш, лекциялар ўқиш, деворий газеталар ва «Жанговар варақалар» чиқариш, бадиий ҳаваскорлик ва профессионал театрлар коллективларининг чиқишларини кучайтириш, бу ишларнинг ҳаммасини асосан дала шийпонларида марказлаштириш лозим. Партия ташкилотлари ошкоралик ролини оширишга, теримчиларнинг меҳнат натижаларини мунтазам тарзда оммалаштиришга, уларни социалистик мусобақа якунларига кўра рағбатлантиришнинг самарадорлигини оширишга даъват этилгандирлар.

ҚИШ яқинлашиб келмоқда. Тадбиркор одам бу мавсумга совуқ ва ёғин-сочинли кунлар бошланмасдан анча олдин тайёргарлик кўради. Шу билан бирга кўпгина корхоналарда ва хўжаликларда қишга тайёргарлик тадбирлари жуда суст амалга оширилаётгани, бу ишлар белгиланган муддатдан орқада қолаётгани ва сифатсиз бажарилаётгани ташвишланарли ҳолдир. Кузги-қишки даврга тайёргарлик кўришда бу йилнинг об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги ва сув танқил бўлганлигини, ана шулар сабабли Ўрта Осиё туташ энергетика системасидаги гидроэлектростанцияларда шу йилнинг иккинчи ярмида ва 1987 йилнинг биринчи кварталида электр энергияси ишлаб чиқариш пландагидан анча кам бўлиши кутилмоқда.

Партия ва комсомол комитетлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, касаба союз ташкилотлари қиш ойларида кишиларнинг турмуш, меҳнат ва дам олишлари учун зарур шароитларни яратиб беришлари, меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтиришлари керак. Министрликлар ва идоралар, хўжаликларнинг раҳбарлари энергетика системалари, ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари ва транспортнинг аниқ ишлашини таъминлашлари, газ, кўмир, нефть қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш, ускуналарни ремонт этиш, ишга тушириладиган ёқилғи-энергетика комплекслари, уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, мактабгача болалар муассасаларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш планларининг сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни оширишлари зарур. Меҳнаткашлар куч-ғайратларини энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни тубдан яхшилашга йўналтирмоқ зарур.

Қиш фасли республика чорвадорлари учун ҳам энг масъулиятли давр ҳисобланади. Бу — мавсумга тайёргарлик кўриш, фермаларни ва молхоналарни тайёрлаш, техникани ремонт қилиш, сут соғувчилар ва молбоқарларга барча зарур шароитларни яратиш демакдир. Озуқани йиғиб олиш суръатини энг юқори даражага кўтариш, мавжуд озуқа цехлари ва озуқа тайёрлайдиган хоналарни ишга тайёрлаб қўйиш муҳим вазифадир. Бу йилги, шунингдек келгуси йил планларининг муваффақиятли уддаланиши ана шу ишларнинг қандай бажарилганлигига, чорва қишлови нечоғли муваффақиятли ўтганлигига боғлиқдир.

Тинчлик ва меҳнат ажралмасдир. Совет кишилари ўзларининг кундалик ижодий меҳнатлари билан мамлакатнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамламоқдалар, шу билан бирга унинг мудофаа қудратини ҳозирги даражада сақлаб туриш учун, ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш, Ер юзида тинчликка эришиш учун моддий замин яратмоқдалар. Планетани ядро ҳалокатидан сақлаб қолиш — совет халқининг эзгу нияти ва амалий ишидир. М. С. Горбачев совет халқи номидан Совет телевидениеси орқали 1986 йил 18 августда берган Баёнотида ана шу ҳақда аниқ ва равшан тушунтириб берди.



# ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

### БИЗНИНГ ҲИССА

Тинчлик — уруш даҳшатларини бошидан кечирган биз, совет халқи учун, айниқса, азиз. Шу туфайли Коммунистик партиямиз бутун Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун қатъий чоралар кўрмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёноти ана шу чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлиб, уни бутун прогрессив инсоният кенг қўллаб-қувватламоқда. Бу нафақат бизнинг, балки жаҳон халқларининг уруш хавфини йўқотишга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда, инсониятни тинч осмон остида фаровонлик йўлида меҳнат қилишга ундаётир.

Фидокорона меҳнатимиз партия - ҳукуматимизнинг тинчлик йўлидаги курашига хизмат қилишини яхши ҳис этамиз. Шу мақсадда ҳар гектар ердан 39 центнер ўрнига 42 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилганмиз. Далаларда юксак маррага яраша ҳосил тўпладик.

**Ҳошимбой АКРАМОВ,**
**Уйчи районидаги Жданов номли колхоз бригада бошлиғи.**

### ТИНЧЛИКНИ ҚАДРЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Бутуниттифоқ телевидениеси орқали берган Баёноти билан танишиб чиқдим.

Урушнинг нималигини биз жуда яхши биламиз. Фашизм билан курашда совет халқи озмунча талафот бермади! Бугунги авлод ҳам, келгуси авлод ҳам бу мудҳиш воқеага дуч келмасин деймиз. Ядро урушининг нима билан тугашини тасаввур қилиб бўлмайди. Баёнотда таъкидланганидек, партия ва ҳукуматимиз кескинликни юмшатиш, ядровий қурол билан ўйнашишни жиловлаш мақсадида яна бир конкрет тадбирни амалга оширганлиги биз, ветеранларни жуда қувонтирмоқда.

Ер юзидаги барча холис ниятли кишилар ядро портлатишларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги таклифларни албатта табриклайдилар ва қадрлайдилар. Биз ҳам ҳукуматимизнинг янги сиёсий ташаббусини қизғин маъқуллаб кутиб олдик.

**Файзи РАҲМОНОВ,**
**партия, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани, Қашқадарё области.**

